

Toshkent haqiqati

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

2026-yil
21-yanvar
CHORSHANBA
№ 6 (13867)

ЯНГИ УМИДЛАР МАНЗИЛИ



Ўз уйига эга бўлиш инсон учун шунчаки девор ва томга эгалик қилиш эмас. Бу – тинчлик, барқарорлик ва эртанги кунга ишонч дегани. Ҳар бир хонадон ортида орзу, меҳнат ва умидлар мужассам. Бежизга халқимиз “Ўз уйинг – ўлан тўшагинг” демаган. Чунки ҳар бир хонадон инсон ҳаётидаги энг муқаддас макон, оилавий бахт ва хотиржамлик масканидир.

▼ Бунёдкорлик

Мамлакатимизда аҳолини сифатли ва замонавий уй-жойлар билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, сўнгги йилларда Тошкент вилоятида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, минглаб оилаларнинг кўп йиллик орзуси – ўз уйига эга бўлиш истаги рўёбга чиқмоқда.

2

▼ Ҳокимлик соати

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида айни кунларда республика миқёсида ўтказилаётган муҳим сиёсий жараён – аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларининг Тошкент вилоятидаги ҳолати атрофлича таҳлил қилинди. Мазкур йўналишда жойларда амалга оширилаётган ишлар, мав-

жуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари муҳокама этилди.

2

▼ Бугуннинг гапи

РЎЙХАТГА ОЛИШДАН КЕЙИН ОРТИҚЧА СОЛИҚ КЕЛИБ ЧИҚМАЙДИ(МИ?)

Жорий йилнинг 15 январидан мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бошланди. Сўнгги кунларда фуқаролар анкета тўлдириш жараёнида айрим саволлар туфайли тушунмовчилик ва эътирозларга дуч келишмоқда.

2

Хабарингиз бор, вилоятда ҳафтанинг ҳар шанба куни “Фермерлар куни” сифатида қишлоқ хўжалиги масалаларини муҳокама қилишга бағишланган. Шу муносабат билан вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида туман ҳокимлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари, кластерлар ҳамда барча йўналишдаги фермер хўжаликлари раислари иштирокида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

▼ Кун тартиби



Хайриддин СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

4

Соат ўн бир яримда

САМАРАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК – ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Куни кеча маданий ҳаётимизда хушxabар тарқалди. Ўзбекистон Президентининг фармонида мувофиқ, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, ўзининг бетакрор истеъдоди, серқирра ижодий фаолияти, шунингдек, таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан халқимиз ардоғидаги адиб Хайриддин Султонга Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси унвони берилди.

Тошкент вилояти фарзанди, мухлисларнинг чексиз меҳру муҳаббатини қозongan беназир сўз санъаткорини бундай юксак эътироф билан тахририятимиз ҳамда муштарийларимиз номидан қутлаб, адиб бисотидаги дуру гавҳар ҳикоялардан бирини ҳавола этапмиз.

Ушбу ҳикоя 1988 йилда ёзилган бўлиб, ёзувчининг “Уч юз олтмиш тўрт кун” номли китобидан берухсат олиб босилмоқда. Халқ ёзувчисининг асарини халқимизга қайта тақдим этаётганимизни китоб ноширлари тўғри тушунадилар, деган умиддамиз.



МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шунингдек, "jro.gov.uz" ахборот тизими орқали Президент фармонлари, қарорлари ҳамда мажлис баёнларида белгиланган топшириқларнинг ижро ҳолати танқидий кўриб чиқилди. Айрим топшириқлар ижросида сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар юзасидан масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Йиғилишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарларининг 2025 йил IV чорақ учун белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КПИ) "Samaradorlik.uz" электрон платформасига киритиш ҳолати ҳамда 2026 йил учун режа кўрсаткичларини (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



шакллантириш масалалари ҳам кўтарилди. Натижадорлики ошириш, кўрсаткичларнинг ҳаққоний ва аниқ белги-

ланишига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, вилоятда "оталиққа" олинган ҳамда

"оғир" тоифадаги ёшлар билан ишлаш бўйича бириктирилган раҳбарлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилиниб, ёшлар муаммоларини манзилли ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг мазмун-моҳиятини кенг тушутириш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳлар фао-



лиятини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

"Ҳокимлик соати" якунида барча масъул раҳбарларга белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш, ижро интизомини кучайтириш ҳамда ҳар бир масалага тахлиллик ва натижавий ёндашувни йўлга қўйиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

САМАРАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК — ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Учрашувда 2026 йил қишлоқ хўжалиги мавсумига тайёргарлик масалалари, хусусан, галла ва пахта экинларини парваришлаш, замонавий ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш, баҳорги дала ишларида иштирок этадиган техникаларни таъмирлаш, янги техникалар хариди ҳамда сўғориш мавсумига қадар ички ариқларни бетонлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот аввалида, бошоқли дон экинларининг ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра, вилоят бўйича галла майдонларининг айрим қисми ривождан орқада қолаётгани, агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилмаётгани, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш, ғўзасоядан тозалаш ҳамда сув тежовчи технологияларни жорий этишда камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.



Масъул идоралар ва туман раҳбарларига галла ҳосилдорлигини ошириш ва белгиланган топшириқларни қатъий назорат қилиш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

Йиғилишда 2026 йил пахта мавсумига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, Шинжон технологиялари, томчилатиб сўғориш ва плёнка остига экиш усулларини кенг жорий этиш, ҳар бир туманда пахта майдонларини фермерлар билан қелишган ҳолда белгилаш, зарур техника, уруғ ва сув ускуналарни захирасини яратиш бўйича вазифалар белгиланди.

Бундан ташқари, баҳорги дала ишларида қатнашадиган қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ишлари ҳам кўриб чиқилди. Техникаларни таъмирлашда сусткашлик қилувчи ҳудудлар танқид қилиниб, барча техникалар белгиланган масканларга жамланиши, қисқа муддатда таъмирдан чиқарилиши ва жараёнда қатъий назорат ўрнатилиши топширилди.

Шунингдек, йиғилишда сўғориш мавсумига тайёргарлик, фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ички ариқларини бетонлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Амалдаги ишлар режага нисбатан қониқарсиз экани қайд этилган, ҳар бир туманда қўшма назорат ўрнатиш, жойларда амалий семинарлар ташкил этиш ва мониторинг гуруҳлари фаолиятини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Йиғилиш якунида вилоят ҳокими белгиланган барча топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, ҳисоботбозликка йўл қўймаслик ҳамда қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эришиш устувор вазифа эканини алоҳида таъкидлади.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Viloyat bo'ylab

BO'KA tumanida qishloq xo'jaligi sohasi rivojiga katta hissa qo'shgan Yo'ldosh Hojimetov tavaludiga bag'ishlangan xotira tadbiri bo'lib o'tdi. Kechada Yo'ldosh otaning ko'p yillik samarali mehnati, el-yurt ravnaqi yo'lidagi fidokorona xizmatlari, shogirdlar tarbiyasidagi o'rni va insoniy fazilatlarini iliq xotiralar bilan yodga olindi.

YANGIYO'L tumanida aholi o'rtasida ijtimoiy faollikni oshirish, islohotlarga nisbatan xolis va to'g'ri tushunchani shakllantirish maqsadida "Baytish", "Niyozbosh", "Xonqo'rg'on" va "Yangiyo'l" mahallalarida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar tashkil etildi. Uch-rashuvlarda davlat rahbari tomonidan belgilab berilgan strategik maqsadlar, hududlarni rivojlantirish, aholi turmush sharoitini yaxshilashga qaratilgan chora-tadbirlar hamda ularning amaliyotdagi ahamiyati keng tushuntirildi.

ANGREN shahrida ijtimoiy himoya milliy agentligi tasarrufidagi Toshkent viloyati nogironlik bo'lgan shaxslarni reabilitatsiya qilish va protezlash markazida "Ochiq eshiklar kuni" tashkil etildi. Tadbir doirasida ishtirokchilar markaz faoliyati, xizmat ko'rsatish jarayonlari, texnik reabilitatsiya vositalari tayyorlash va ularni yetkazib berish bosqichlari bilan tanishdilar.

OQQO'RG'ON tumani hokimi T.Bobolov, tuman ichki ishlar bo'limi boshlig'i, podpolkovnik I.Turg'unov hamda tegishli korxona va tashkilotlar rahbarlari ishtirokida tumanda jinoyatchilikning tahlili keng muhokama qilindi. Yig'ilishda joylarda jinoyatchilikning oldini olish hamda huquqbuzarliklar profilaktikasi borasida mahalla faollari bilan hamkorlikda amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalarni samarali yo'lga qo'yish yuzasidan ko'rsatma va tavsiyalar berildi.

Хусусан, ортда қолган 2025 йилда Тошкент вилоятида жами 11 минг 43 та хонадондан иборат 192 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу рақамлар қурилиш соҳасидаги изчил ривожланишига эмас, балки минглаб оилалар учун янги ҳаёт саҳифаси очилганини англатади.

Айниқса, Зангиота, Тошкент, Қибрай ва Паркент туманлари ҳамда Нурафшон, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида қад ростлаган янги тураржой массивлари нафақат замонавий архитектураси, балки кенг йўللар, яшил ҳудудлар, болалар майдончалари, мактаб ва боғчаларга яқинлиги билан ҳам аҳоли учун ҳар томонлама қулай муҳит яратмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қурилаётган уй-жойларда энергия тежовчи технологиялар, замонавий иситиш ва сув таъминоти тизимлари, хавфсизлик камералари, лифтлар, спорт ва дам олиш майдончаларининг мавжудлиги аҳоли турмуш сифатини ошириш, иқтисодий ва экологик самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Биргина вилоятнинг маъмурий маркази — Нурафшон шаҳри мисолида айтадиган бўлсак, айни кунларда мазкур ҳудуд қурилиш ва бунёдкорлик майдониغا айланган. Маълумотларга кўра, ўтган йилда шаҳарда 19 та кўп қаватли уйдан иборат 1 минг 192 та хонадон фойдаланишга топширилди. Бу қарийб икки мингга яқин оила учун янги ҳаёт, янги умид ва янги имкониятлар демакдир.

— Оиламиз билан узоқ йиллардан (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

бери янги уй сотиб олишни ният қилардик, — дейди Нурафшон шаҳрида истиқомат қилувчи Шоҳиста Қосимова. — Ниҳоят, орзумиз ушалди. Янги хонадон барча замонавий қулайликларга эга, яшаш учун жуда шинам. Мактаб ва боғчаининг яқинлиги бизни янада хурсанд қилмоқда. Қолаверса, илгари иш жойимизга 20-30 километр масофадан қатнар

ЯНГИ УМИДЛАР МАНЗИЛИ

эдик, ҳозир эса вақт ва маблағимиз тежалмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўз уйига эга бўлган оила нафақат шахсий ҳаётида, балки жамиятда ҳам ўз ўрнини мустақамлашди. Янги хонадонлар оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибат, масъулият ва ҳамжиҳатлиқни кучайтиради, инсонларда келажакка бўлган ишончни янада оширади.

Муҳтасар айтганда, вилоятда барпо этилаётган янги уй-жойлар аҳолининг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, оилавий фаровонлик ва келажакка ишончни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Янги уйлар орқали ҳар бир оила нафақат турмуш сифатини оширади, балки янги имкониятлар, режалар ва умидлар билан ҳаётини бойлатади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

РЎЙХАТГА ОЛИШДАН КЕЙИН ОРТИҚЧА СОЛИҚ КЕЛИБ ЧИҚМАЙДИ(МИ?)

Аҳоли томонидан энг кўп берилаётган саволларга Миллий Статистика қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Усмон Абдурасулов жавоб берди.

— **Нега "ҳўжалик мулки борми?" деган саволда чорваси йўқ оилалардан ҳам мажбурий равишда "ҳа" жавобини белгилаш талаб қилинмоқда?**

— Анкетадаги "Уй хўжалиги аъзоларининг қишлоқ хўжалик ерлари ёки чорва моллари ва паррандалари бўлганми?" деган саволдаги "Ҳа, бор" жавоби фақат чорвага эмас, балки қуйидагиларга ҳам тааллуқли: томорқа ер участкаси, шахсий ҳовли, боғ ёки экилган дарахтлар, экин экиладиган ер майдони.

Шу сабабли, ҳатто чорваси бўлмаган, аммо томорқаси ёки ер участкаси мавжуд бўлган хўжаликлар ҳам "ҳа, бор" вариантини белгилаши талаб этилмоқда.

— **Рўйхатга олишдан кейин ортиқча солиқ келиб чиқмайди?**

— Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш — бу статистик тадбир бўлиб, у солиқ тўлаш билан боғлиқ эмас.

Сиз берган маълумотлар фақат статистика учун йиғилади. Солиқ ва бошқа органларга тақдим этилмайди.

Рўйхатга олишнинг мақсади — мамлакатда аҳоли сони, турмуш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

шароити, қишлоқ хўжалиги ҳолати, яъни қайси ҳудудда қанча маҳсулот етиштирилади ва бу аҳоли эҳтиёжини қоплайдими, деган саволларга аниқ жавоб олишдир.

Шу асосда давлат озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда аҳоли учун зарур ижтимоий хизматларни тўғри режалаштириш имкониятига эга бўлади.

— **Саволномани тўлдирдим, лекин сертификат чиқмади.**

— Саволномани тўлдирганда биринчи ва учинчи қаторда келтирилган шакллар белгиланса, яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган фуқаролар ҳамда 12 ой ва ундан ортиқ муддат давомида Ўзбекистон ҳудудида яшаётган чет эл фуқаролари учун саволномани тўлдирдиш якунида сертификат чиқади.

Агар сиз иккинчи ва тўртинчи қатордаги шакллари белгилаб саволномани тўлдирсангиз сертификат берилмайди. Чунки унда махсус ва ижтимоий муассаса ҳамда ташкилотларда яшаётган шахслар, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида 12 ойдан кам муддатда бўлган хориж фуқаролари учун саволнома очилади.

— **Оиламиздан бир киши барчамизни рўйхатдан ўтказди. Шу**



етарлими ёки алоҳида қайта рўйхатдан ўтишимиз керакми?

— Бир киши бутун оиласини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Маълумотлар тўлиқ ва тўғри тақдим этилса, бу етарли ҳисобланади.

— **Рўйхатдан ўтдим, лекин сертификатимни юклаб ололмаяман.**

— Агар сиз рўйхатдан ўтган бўлсангиз, OneID тизими орқали сайтга кириб, ўнг томон юқори қисмда жойлашган исм-фамилия устига босган ҳолда сертификатни юклаб олишингиз мумкин.

— **Саволномада сотихни ёза олмаяман.**

— 1-шаклнинг 2-саволида яқка тартибдаги ҳовли ёки квартиранинг умумий қурилиш майдони квадрат метрда бутун сонларда кўрсатилади.

5-шаклда эса умумий ер майдони ва қишлоқ хўжалиги ер майдони сотихда кўрсатилади.

— **Саволномада биринчи шахс деганда ким назарда тутилди?**

— Биринчи шахс бу — маълумотларни тўлдирувчи шахс ҳисобланади. Саволномада маълумотлари тўлдириладиган кейинги оила аъзолари биринчи шахсга нисбатан қариндошлик даражаси белгиланиб, киритилади.

— **Сўровномани хатолик билан тўлдирган бўлсам, қайтадан киритишим мумкинми?**

— Ҳа. Агар маълумотлар хатолик билан киритилган бўлса, 31 январга қадар қайтадан онлайн рўйхатдан ўтиш имконияти мавжуд.

— **Мен ҳозирда бошқа туманда истиқомат қиламан, доимий пропискам эса бошқа ҳудудда. Саволномада қайси жойини киритишим керак?**

— Рўйхатдан ўтиш жараёнида фуқаро айнан ҳозирги вақтда, яъни, рўйхатга олиш даврида яшаб турган жойини кўрсатиши лозим.

— **Чет элдаги оила аъзоларимизни ҳам рўйхатга киритамизми?**

— Ҳа, ҳозирда маълум сабабларга кўра хорижда вақтинча бўлиб турган оила аъзоларинингизни ҳам рўйхатдан ўтказишингиз мумкин. Шунингдек, улар ўзлари бошқа давлатда бўлиб турган ҳолатда ҳам census.stat.uz сайти орқали онлайн рўйхатдан ўтиши мумкин.

▼ “Toshkent haqiqati” tanishtiradi

Yangi tayinlovlar

Anarbayev Salim Maxmudovich Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Toshkent viloyati bo'limi rahbari lavozimiga tayinlandi.

S. Anarbayev 1981-yilda Ohangaron tumanida tug'ilgan. Ma'lumoti — oliy. 2002-yilda Toshkent viloyati davlat pedagogika instituti (kunduzgi), 2014-yilda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi davlat boshqaruvi akademiyasi (magistratura)ni tamomlagan.

Tayinlovga qadar Angren shahar hokimining yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari lavozimida faoliyat yuritgan.

Karimjanov Alisher Adiljanovich Toshkent viloyati Madaniy meros boshqarmasi boshlig'i lavozimiga tayinlandi.

A. Karimjanov 1983-yilda Yangiyo'l tumanida tug'ilgan. Ma'lumoti — oliy. 2004-yilda Toshkent davlat agrar universiteti (kunduzgi)ni tamomlagan.

Tayinlovga qadar Ohangaron shahar hokimining moliya-iqtisodiyot va kambag'allikni qisqartirish masalalari bo'yicha birinchi o'rinbosari — shahar iqtisodiyot va moliya bo'limi boshlig'i lavozimida faoliyat yuritgan.

Mirzayev Eldor Tadjiquil o'g'li Toshkent viloyati “Kelajak” markazi direktori lavozimiga tayinlandi.

E. Mirzayev 1991-yilda Oqqo'rg'on tumanida tug'ilgan. Ma'lumoti — oliy. Toshkent davlat pedagogika universitetini tamomlagan.

Tayinlovga qadar Ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalari agentligi tizimidagi Oqqo'rg'on ixtisoslashtirilgan maktab direktori lavozimida faoliyat yuritgan.

Abduvaliyev Asliddin Po'latovich Toshkent viloyati hokimligi ishlar boshqarmasi huzuridagi Tashqi reklamalarni muvofiqlashtirish bo'limi rahbari lavozimiga tayinlandi.

A. Abduvaliyev 1986-yilda Oqqo'rg'on tumanida tug'ilgan. Ma'lumoti — oliy. 2007-yilda Toshkent davlat pedagogika universiteti, 2010-yilda Soliq akademiyasini tamomlagan.

Tayinlovga qadar viloyatning turli hududlarida soliq tizimida faoliyat yuritgan.

Toshkent viloyati hokimining 2026-yil 6-yanvardagi tegishli qarori bilan Xolmatov Ravshan Rustamovich Toshkent viloyati turistik-rekreatsion zonalarni boshqarish direksiyasi direktori lavozimiga tayinlandi.

R. Xolmatov 2009-yil Toshkent davlat iqtisodiyot universitetini, 2012-yil Bank-moliya akademiyasini tamomlagan. Mutaxassisligi bank ishi.

Tayinlovga qadar “LIMON BUSINESS MIR” mas'uliyati cheklan-gan jamiyati direktori lavozimida ishlab kelayotgan edi.

Shadiyev Umidjon Rahimjanovich "O'zmilliybank" AJ Toshkent viloyati bosh boshqarmasi boshlig'i vazifasini bajaruvchisi lavozimiga tayinlandi.

U.Shadiyev 1979-yilda Toshkent viloyatida tug'ilgan. Ma'lumoti — oliy. 2001-yilda Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universitetini, 2008-yilda Toshkent moliya institutini tamomlagan.

Tayinlovga qadar "O'zmilliybank" AJ Ichki audit departamenti direktori vazifasini bajaruvchisi lavozimida faoliyat yuritgan.

Manba: <https://t.me/toshvilpress>



1938 йилда Оққўрғон туманидаги хунармандлар оиласида туғилган С.Баҳромов ёшлиқдан илмга чанқоқ эди. У ҳеч иккиланмай шифокорлик касбини танлади. 1969-1970 йилларда туман марказий шифохонасида терапия бўлими мудир, бош шифокор ўринбосари ва бош шифокор сифатида фаолият юритди. Ўша вақтларда туманда қизамиқ эпидемияси кенг тарқалган эди. Саиджалол Баҳромов ходимлар билан бирга туну кун ишлаб, касаллик тарқалишини сезиларли даражада пасайтиришга эришди.

1970 йилда тумандаги фаолиятини яқунлаб, Тошкент Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида иш бошлади. Бу ерда у илгари етарли ўрганилмаган камқонлик, лейкоз ва темир танқислиги каби касалликларга ўз назария ва тажрибасини татбиқ қилган

Йўқлов

Инсон ҳаётининг қадрини англаш, унга умид бағишлаш – фидойилик ҳисобланади. Айниқса, оқ халатли шифокорлар жони оғриб турган бемор учун нажоткорга айланадилар. Улар нафақат беморни даволайдилар, балки унга умид берадилар. Ана шундай ўз соҳасининг фидойиларидан бири – академик Саиджалол Баҳромов кўп йиллар давомида инсонларни даволаш билан бирга, тиббиёт ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўқинишнинг излари

ҳолда изланишлар олиб борди. Айнан шу йилларда Саиджалол Баҳромовнинг лабораториясида беморлар ҳаётини сақлаш ва умрини узайтириш борасида янги ечимлар топилди. Унинг илмий мактабида кўплаб шогирдлари билим олиб, фан докторлари ва номзодлари мақомига эришдилар.

Бир суҳбатимизда Саиджалол ака шогирди билан бўлган қуйидаги воқеани айтиб берган эди:

– Хизмат юзасидан туман касалхонасига борган куним тиббиёт институтини битириб келиб, икки ойгина ишлаган ёш шифокор мурожаат қилиб қолди. Ишдан бў-

шамоқчи экан. У билан узоқ суҳбатлашдим. Билсам, уни тунги навбатчиликлар, масъулият, қўрқув иккилантириб қўйган экан. Ҳаёлидан: “Бу соҳага адашиб келдим, шекилли”, деган ўйлар ўтаётган экан. Унга, агар сен бир кунда бир беморнинг дардини енгиллата олган бўлсанг, демак тўғри йўлдасан, дедим. Ана энди ҳафтада, ойда, йилда қанча беморларга яхшилик қилишинг мумкинлигини ўйлаб қўр, деб қўшимча қилдим.

Орадан кўп ўтмай йигит яна қабулимга келди. Ўша самимий суҳбатдан кейин ишлари юришиб, ҳаётида яхши ўзгаришлар бўлгани-

ни айтиб, миннатдорлик билдирди. Мени қувонтиргани, бугун у тажрибали мутахассис, қўлида минглаб беморлар шифо топмоқда.

Саиджалол Баҳромовнинг ҳаётида бу каби воқеалар кўп бўлган. Ана шулар ҳақида ҳам гапириб беринг, деганимизда у шундай деди:

– Журналистлар шундай саволлар билан кўп мурожаат қилишади. Биласиз, бундан беш йил аввал “Covid-19” пандемияси нафақат тиббиёт тизимини, балки инсон иродасини ҳам синовдан ўтказди. Ўша кунларда тиббиёт хадимларимиз ҳақиқий матонат ва фидойилик намуналарини кўрсатишди. Асли-

да мен ҳақимда эмас, ана шундай жонкуяр шифокорлар ҳақида ёзиш керак. Улар тўғрисида битта мақола эмас, китоб ёзса арзийди. Чунки улар ўша синови кунларда ҳар қандай унвондан-да катта мукофотни – халқнинг дуосини олдилар.

Дарҳақиқат, бу сўзлар шунчаки гап эмас, балки том маънодаги ҳақиқий шифокорларнинг ҳаётий ҳақиқати эди.

Саиджалол Баҳромов 1985-1991 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимида фаолият юритди. Бу йиллар мамлакат тиббиётида чинакам ислохотлар даври бўлди: болалар ўлими кескин камайди, вирусли гепатит билан касалланиш кўрсаткичлари пасайди, кадрлар тайёрлашга бўлган эътибор ошди. Унинг ташаббуси билан 4 минг нафар ёш тиббиётчи Россия Федерациясида таълим олиб, етук мутахассис бўлиб қайтди, Тошкентда II тиббиёт институти очилди, Марказий Осиёда илк бор бир марталик шприц ишлаб чиқариш заводи фаолият бошлади.

Саиджалол Баҳромов маърифатпарвар инсон сифатида ҳам танилган. У “Сихат-саломатлик” журнали ва хайрия фонди орқали кўплаб беморларга ёрдам кўрсатиб, халқнинг дуосини олган. У фаолияти давомида 450 дан ортиқ илмий мақола ва 20 дан зиёд йирик асар ёзган.

Академик Саиджалол Баҳромов “Киши илмга бир умрга келади”, деган фалсафага амал қилиб яшади. У 20 ёшида илм йўлига кириб, бутун умрини одамлар соғлигини тиклашга бағишлади. Унинг ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Абдулла МАЪДИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

▼ Мулоҳаза

Омадли бўлишни хоҳлайсизми?

Буюк британиялик психолог олим Ричард Вайсман омад феномени устида узоқ йиллик тадқиқот олиб борган. У 400 нафар инсонни ўрганиб, уларни ўзини омадли ва омадсиз деб ҳисобловчи икки гуруҳга ажратган ҳамада 10 йил давомида қўзғатган.

Тадқиқот жараёнида иштираётган газеталарда расмларни санаш вазифаси берилган. Ўзини омадсиз деб билганлар бу ишга тахминан икки дақиқа вақт сарфлаган бўлса, омадли деб ҳисоблаганлар вазифани бир неча сония ичида бажарган.

Гап шундаки, газетанинг иккинчи саҳифасида катта ҳарфлар билан “Бошқа ҳисоблама, бу ерда 43 та расм бор”, деган хабар бор эди. Бошқа бир саҳифада эса “Мени кўрганингни айтсанг, 250 доллар олсанг”, дея ёзиб қўйилган эди. Омадсизлар бу хабарларни қўришмади – улар фақат расмларни санаш билан банд бўлдилар.

Омад – тасодиф эмас. У биз қилаётган ҳаракатларимиз натижасидир. Омадли одамлар имкониятларни кўра оладилар.

Ўзини омадсиз деб ҳисоблайдиганлар эса фақат хавотирли ва ундан фойдаланинг. Фарзандингиз омадли бўлишини хоҳлайсизми? Унга имкониятларни қўриш ва улардан максимал фойдаланишни ўргатинг.

Меҳридин ИБРАГИМОВ
тайёрлади

▼ “Кадр ортида”ги қаҳрамонлар

Тун қўнига чўмган шаҳарни қоплаган сукутни насосларнинг бир маромда гузуллаши бузади. Сабаби, насос иншооти туну кун узлуксиз ишлайди. Бу ерда ишлайдиган ҳар бир ходимдан катта масъулият талаб этилади.

БИЗ БЕДОР БЎЛГАН ТУНЛАР

“Тошкент сув таъминоти” акциядорлик жамияти Чирчиқ шаҳар филиали Оқова сув тозалаш иншооти насос қўрилмаси таъминоти Нигмонхўжа Низамов шу масъулиятли нуктада 25 йилдан буён сидқиқидан меҳнат қилиб келмоқда.

Иншоот ҳудудига қадим қўйишингиз билан насосларнинг шовқини қўпоғингизга чалинади. Кимдир бу безовта қилиши мумкин. Аммо Нигмонхўжа ака учун насослар овози – ҳаёт ритми, қўдалик иш жараёни шариати. Ҳар бир насоснинг овозини ҳис қилиш, ундаги энг кичик ўзгаришни пайқаш – уни йиллар давомида орттирган тажрибаси ва касбий маҳоратидир.

Қаҳрамонимиз бу касбга тасодифан кириб келган бўлса ҳам, кейинги ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Н. Низамовнинг меҳнат фаолияти 2000 йилдан бошланган. Ўша кезларда насослар, қувурлар ва оқова сув билан

боғлиқ жараёнлар кундалик ҳаётига айланишини тасаввур қилмаган эди. Йиллар ўтди, технологиялар янгилади, ускуналар алмашди. Аммо унинг ишга бўлган муносабати, масъулияти ўзгармади.

– Ёшлигимда катта оғзулар қилганман, – дейди у мулоҳаза билан. – Аммо ҳаёт кўпинча режаларга бўйсунмас экан. Инсон тақдир унга танлаб берган касбга меҳр қўя олса, меҳнатидан роҳат топаркан. Илк иш кўнларим осон кечмаган. Оқова сув билан боғлиқ ишни ҳамма ҳам қила олмади.

Дастлабки навбатчилик кўнлари унинг хотирасида муҳрланган. Гўё насослар уни соатлаб синовдан ўтказётгандек бир маромда ишлайди. Аммо ҳар бирининг ўзига хос овози бор. Ўша овоздаги озгина ўзгариш ҳам тизимда муаммо борлигидан дарак беради. Буни китобдан ўқиб ёки бировдан эшитиб ўрганиб бўлмайди. Бу – йиллар давомида



тўпланган тажриба, диққат ва ҳис қилиш қобилияти маҳсули.

У иш жараёнида кўплаб воқеаларни бошидан ўтказган. Шулардан бирини алоҳида ҳаяжон билан эслайди.

– Баҳор фаслининг қучли ёмғирли кўнларидан бири эди, – дейди Нигмонхўжа ака. – Ҳудудга тушган сув меъёрдан анча ошиб кетди. Тизим эса одатдагидан бир неча баробар катта юклама остида қолди. Ўша кунни уйга қайтмадик. Агар насослар бир лаҳзага бўлса ҳам тўхтаб қолса оқибати жуда оғир бўлишини барчамиз англаб турардик. Чарчоқ танани эгallaб олган, кўзлар қизарган, аммо ҳеч ким иш жойини ташлаб кетишни ўйламади. Чунки бу оддий иш эмас, балки минг-

лаб одамлар ҳаёти, шаҳарнинг экологик хавфсизлиги билан боғлиқ масъулият эди. Ушанда хавотирдан қўлим “дағ-дағ” титраганини ҳали ҳам унутолмайман. Ахир бир зум эҳтиётсизликка йўл қўйилса тизим ишдан чиқиши, ифлос сув бутун ҳудудга тарқалиши мумкин эди. Аммо жамоамиз билан бир тану бир жон бўлиб астойдил ишладик. Бир-биримизни ортиқча сўзсиз нигоҳимиздан англардик. Ана шу дамда жамоанинг ҳақиқий кучи нимада эканини ҳис қилдим. Шўқ, насосларда носозлик қузатилмади.

Ҳа, яна бир гап. Касбимиз тақозоси билан кўпинча оила даврасида бўлолмаймиз. Аксарият байрамлар, тўйлар, дам олиш кўнлари навбатчиликка тўғри келади. Аммо оила аъзоларим буни тўғри тушуниб, доим кўплаб-қувватлашади. Фақат фарзандларим болалигида: “Дада, нега доим ишдасиз?” деб кўп сўрашарди. Уларга ҳам вазиятни тушунтирдим. Сабаби, зиммамдаги масъулиятни ҳеч қачон унутмаганман.

Бугун фарзандлари улғайган. Улар отасининг меҳнатини англаб етиб, унинг фидокорлигидан фахрланишади. Бу эса Нигмонхўжа ака учун энг катта бахт.

Унинг учун энг катта мукофот эса ишдаги натижа. Агар шаҳар сув тоза бўлса, кўчаларда ноҳуш ҳид сезилмаса, одамлар осойишта ҳаёт кечирса у ўз меҳнатининг самарасини ҳис қилади ва ҳамшаҳарларига манфаати тегаётганидан фахрланади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Тахирисиз ҳаёллар

Ёзмайдиган, ёзолмайдиган “олим”лар диссертацияни қандай ёзган экан?.. Илмий мақола туғул, тузукроқ жумла ҳам ёза олмайдиган “ёш олим”лардан-ку аллақачон ҳафсала пир бўлган. Кўчирмакашликни айтмайсизми!

Олимлик эмас, шармандалик

Бир “олим” – фан доктори нашр учун мақола берди. Рус тилида. “Уч кун бош кўтармай ёздим, фандаги катта бир янгилик ҳақида”, – дейди. “Бўлмаса, бир ўқиб кўрайлик”, – дея олиб қолдик. Мақолани кўздан кечириб эканман, одатдаги қолипга солинган мужмал ва ўта ғализ “илмий” гаплар ўрнига кўрганим – яхши бир услуб, раво жумлалардан ҳайратландим. Алламбало тилдаги бошқоғиқ материалларга кўникиб кетганмиз-да. Негадир кўнглимда “Кўчирмаганим-кан...” деган шубҳа ўйонди. Дарров мақоладаги ис-талган бир жумлани интернетдан қидирувга бердим. Вожаб, бутун бошли ўхшаш бир мақола сарлавҳаси билан чиқиб турибди-ку! Солиштириб кўрсам, жумлама-жумла, сўзма-сўз тўғри келяпти. Ҳатто тиниш белгиларигача “ўғирланган”...

Бу, аввало, илмга нисбатан ҳурматсизликдир. Ўзини-ку, ҳурмат қилмаса керак, акс ҳолда, бундай ишга қўл урмас эди. Бу олимлик эмас, шармандалиқдир! Шунинг учун ҳам ўзидан “фигура” ясаб олган баъзи “доктор”ларга кўпам ишонаверманлар.

Бу ўринда гап фақат кўчирмакашлик ҳақида эмас. Кўпчилик “олим”у “доктор”ларда ёзув малакаси шаклланмаган. Айримлари-ку умуман мақола ёза олмайди. Яна: “Илмий мақола” бор эди, чиқаришга ёрдамлашасизларми?” деб қўймади. Юмалоқ-ёстиқ қилиб тайёрланган битирув малакавий ишларию магистр-лик диссертациялари ҳақида гапирмай қўя қолайлик...

Аҳли илм ва, албатта, фан докторлари орасида ҳалоп, изланувчан, янги фикрга ташна олим инсонлар кўп эканини биламан ва бу гаплар уларга оғир ботмайди, деб умид қиламан. Ахир тўғрисиам шу-да: бунақа “олғир”лар илм-фан соҳасида ҳам қўлайиб кетмадими?! Ижод ўғрилариға кескин чора қўрилмас экан, аҳвол бундан-да ёмонлашаверади.

Уят керак...

Укаси мусофириликда ўлардай қийналиб топган пулига акиси “зачёт” ёлади. Боласининг пешона тери эвазига отаси бўкиб ичади, аҳли аёли қимматбаҳо либосларга ўраниб, кунда турланади. Камига дангиллатиб тўй-томоша қиладилар – “душманлар қуйиб ўлсин” учун. Хулласи, бутун бошли оила бир бечоранинг қўлига қараб қолган, талаб тўймаётган боқинди. Одамга уят ҳам керак!

Авалгиларга ўхшамас...

«Аваллги шоирлар бошқача эди – шеър учун қўшиқчилар билан талашиб-тортишиб юрмасди, ҳақ-хуқуқ талаб қилмасди. Масалан, Мухаммад Юсуф ундай эди, бундай эди...»

Буларнинг қаричи шу! Сен ўзи Мухаммад Юсуфни биласанми? Ё суҳбатда бўлганисанми? Дардларини ҳис қиласанми? Қўп-

чилик қўшиқчилардан ранжиб, норози бўлиб ўтганини-чи? Аслида, унинг қўшиқ бўлган сатрларини ҳам тузук-қуруқ билмайсиз-ку! Ундан бошқа шоирларни ҳам танийсанми? Ижод захматини тушунасанми? Китоб ўқийсанми ахир?..

Шундай экан, шеърни, шоирни муҳокама қилишга ҳақинг борми ўзи?!

Турфа тоифалар

Шундай тоифадаги одамларни кўп кўрдим:

1) Деярли саводсиз, аммо оз-моз ташкилотчилик ё бошқарувчилик “иқтидор”ига эга бўлгани боис жуда тез “кўтариладиган”лар;
2) Катта истеъдод-салоҳияти бўла туриб моддий етишмовчилик ё бошқа сабаблар билан кўпинча онгли равишда фақат “юқори”дагилар манфаати учун ишлайдиган банди бечоралар;
3) Шу икки тоифадаги одамлардан “унумли” фойдаланадиган нафси ўпқон раҳбарлар.
Энг ёмони, улардан на соҳага, на жамиятга фойда. Қолган тоифаларни ўзингиз ўйлаб кўрасиз...

Ижод ва реклама

Қизик-да, ижоди таҳсинга сазоворларнинг рекламаси яхши эмас, “пиар”га зўр берганларнинг арзирли ижоди йўқ. Фақат санъат ё адабиётда эмас, ижоднинг бошқа турлари, ҳатто илмда ҳам шу аҳвол.

Демак, ижодда ҳам тарғибот-ташвиқотни урдадай билиш, сифатли (!) рекламага жиддий эътибор қаратиш зарур. Айниқса, бугунги тезкор замонда. Ахир интернет бу борада энг қўлай ва деярли теким восита-ку!..

Бўлмаса, майдон яна данғир-дунғурчиларга қолаверади...

Беход ФАЗЛИДДИН



Toshkent haqiqati

TASHKENTSKAYA PRAVDA



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o’rinbosari,
nashr uchun mas’ul:
Suhrobjon SADIROV
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Nabatchi:
Nozima RASULOVA
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20:00.

Bosishga topshirildi – 19:30.

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-135.

7 386 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog’oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi
ofisimiz: Bektimir tumani,
Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tahir Mahmudxo’jayev
tomonidan sahifalandi.
Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

— Қаёққа ҳайдай, ока?
— Дунёнинг бир четига.

... Кўчага чиқдим. Упкам муздек ҳавога ўлди. Аёз юзим-кўзим демай чимчилай бошлади. Жунжикиб, беихтиёр пальтомнинг ёқасини кўтариб қўйдим. Қор бўралаб турган зим-зиё тунда дунёнинг бир четига бориш қанчалар малол келмасин, Сенинг дийдоринг ҳамма нарсадан ширин эди. Билардимки, энди бари беҳуда, энди ҳарчанд излаганим билан изларингни топмасман, аммо кўнгиш... Кўнгиш иши қийин экан, дўстларим, йўқса шоир «мени расво қилдирган ул кўнгилдир, ул кўнгиш», деб нола чекармиди? Йўқса, мендек ақлу хуши бутун одам, бунингдек саргардон суринармиди? Агар икки йил аввал кимдир менга айни ҳолатимни башорат қилса, қип-қизил жиннига чиқаришим аниқ эди. Телба кўнгили ишини қарангки, Янги йил оқшомида мени азим Тошкент кўчаларида мана шундоқ тентиратиб қўйибди.

Теварак-атрофимда — паст-баланд бинолар, чироқлар, ошиққан йўловчилар, машиналар, хомуш ва ҳайрон дарактлар. Сенинг ёдинг, ҳатто айрилиқнинг аччиқ азоблари билан боғлиқ бўлса-да, дилимни мунаввар этиб турарди. Оёғим остига оқ поёндоз тўшаётган қор ҳам алланечук пинҳона бир сирни пичирлаб сўйлаётгандек. Ола-чалпоқ йўлкалардан аста юриб борар эканман, кўп яхши кўналаримиз ёдимга тушар ва бунга сари ўз-ўзидан кайфиятим хуш тортар, гўё нақ эртага тақдиримда қандайдир янги бир мўъжиза юз берадигандек туюлар эди.

Ғизиллаб ўтиб турган таксилардан бири сал нарида тўхтади. Шошилмай бориб,

У кулиб, бош иргадди:

— Секинроқ айтасизми, ока. Бир хиллари бўлади, чиқиб ўриндиққа ётиб олади-ю, уйимга ҳайда, деб команда қилади. Уйинг қаёқда, деб сўрагунингизча, гўлдираб пинакка кетган бўлади. Иссиқ дарров миядан олади-да, ока. Қани энди, на ўзига келтира олмасиз, на тушириб юбора олмасиз. Қип-қизил дардисар-да. Бирор жойда ташлаб кетмай десангиз, одамнинг кўзи қиймайди.

— Бўлмаса, миям бутунлигида айтиб қўя қолай. Шимоли-шарқ мавзеига борамиз, — дедим ва: — Кечирасиз, чексам майлими? — деб сўрадим рўпарамдаги «Чекилмасин!» деган ёзувга ишора қилиб.

— Майли, — деди у йўлдан кўз узмай. Бироздан кейин хўрсиниб: — Одамларга маза, уй-уйида роҳат қилиб ўтиришибди. Биз бўлсак, мана... — деди.

— Ҳечқиси йўқ, эртага ҳиссасини чиқариб юборасиз, — дедим юпатган бўлиб. — Эртага бунақа қизиқ бўлмайди-да, ока. Ҳайитдан кейин ўсман... деган гап бор-а, билсангиз керак?

Беш-ўн минут индамай кетдим. Қор ҳамон шигиллаб ёғарди. Мен энди ҳамма байрам қилаётган шу сеҳрли кечада бу бахтдан бебаҳарлар ҳақида ўйлай бошладим. Постада турган солдат, поезд ҳайдаб кетаётган машинист, операция қилаётган врач, манави йигит, хув чорраҳадаги шнелга бурканган милиционер... Қорбобога ўхшаб қолибди.

Сен қайда экансан ҳозир? Нималарни ўйлаб ўтирган экансан? Кўнглинг эриб, орамиздаги адоватларни эмас, тотли кунлар ёдини эслармикансан? Эслаётган бўлсанг керак, деб ўйлайман, эсламаслигинг

хаёлга толдим. Бу содда, нотаниш йигитнинг оталик ҳиссиёти, оддий ва айни пайтда ақлли гаплари юрагимни бир тотли титроқ билан тилиб ўтди. Биз ҳам сен билан мана шундоқ бир фарзандни бағримизга босиб, бошида парвона бўлиб ўтиришимиз мумкин эди. Янги йилни биргалликда, мўъжизага уйимизда, бахту саодатга чўмиб қарши олсак, қандоқ саз бўларди. Бунинг ўрнига, мен бундай улоқиб юрибман. Сен ҳам ўзингча ҳақсан. Мен ҳам ноҳақ эмасман. Ажабо, унда ким айбдор ахир? Ким бизни шу кўйларга солди? Ақлим етмайди. Бир бошдан яна ҳаммасини қайта ўйлаб кетаман. Кибр-ҳаво, гурур, алам ва армонлар чалқашиб, шундоқ бир чигал ҳосил қилганки, назаримда, энди буни ҳеч ким ечиб беролмайди. Фақат умидим борки, бош эгиб борсам-у, сен...

— Боя ҳайрон қолдингиз-а, ока, гапимга?

Ҳаҳ, бечора шофёр укам, зериқяпсан, дилингда дард кўпга ўхшайди, айтай десанг, ҳамдард йўқ шекилли? Майли, қўлогим сенда, сўзлайвер, зора мен ҳам шу баҳона изтиробли ўйларимдан халос бўлсам.

— Сиз тўхтатганингизда тўғри касалхонадан келаётган эдим. Олти ой бўлди, бир одамни босиб кетувдим.

Ялт этиб унга ҳадиқ билан қарадим.

— Қаерда?

— Қўйликда. Хотинлар турмасининг



кетди. Келиб, ишхонада бир окахонимиз бор. Миржаъфар ака, слесарь, кўнглимиз яқин, шу кишига айтган эдим, ўйлаб туриб, «Оз-моз пул-мул беринг бўлмаса», дедилар. Эртасига адамдан беш юз сўм қарз олиб бордим. Чолнинг жон-пони чиқиб кетди. «Как тебе не стыдно, бунақа қиладиган

Хайриддин СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Соат ўн бир яримда

эшик тутқичига қўл чўздим. Бармоқларим чип этиб муздек темирга ёпишди. Машина ичи нимқоронги, иссиққина эди, бир зумда пальтою теплагим оғирлик қилиб қолди. Ўттиз-қирқ қадам юриб, чорраҳага етгач, шофёр бўғиқ товуш билан сўради:

— Қаёққа ҳайдай, ока?
— Дунёнинг бир четига.

У юзимга бир лаҳза анграйиб қаради-ю, бироқ шу заҳоти кулиб қўйди:

— Ихтиёрингиз, ока.

Машина шитоб билан тўғрига қараб кетди.

Сезиб турибман, мени кайф деб ўйлаётти. Янги йил оқшомида нима кўп — маст-аласт қил. Майли, ўйланаверсин. Бир културим ичмай туриб сархушлигим рост-ку, ахир.

Қор ҳамон гупиллаб ёғмоқда, рўпарадаги ойнага нақш нигор безаклар чизмоқда. Вижиллаб ишлаб турган сидиргичлар ойнани тозаллаб улгурмас, биллур учкунлар рақсига термиллаб ўтирган кишининг хаёли беихтиёр аллақайларга улоқиб кетар эди.

Сен Янги йилни яхши кўрардинг. Бошқа байрамлар билан унчалик ишинг йўқ эди-ю, бу айёмни ниҳоятда, ҳатто айтиши мумкинки, муқаддас бир санадек илоҳийлаштириб ҳам юборган эдинг. Қай бир йили эди, ёдимда йўқ. Янги йил кечаси қор ёмаганида ёш боладай росмана йиғлаб ҳам олган эдинг. Бу қор, бу кишни кўрганингда эди, албатта, қувончининг чекпояни бўлмасди. «Январда тутилганман, — дер эдинг кулиб, — қўз очиб кўрган нарсам қор бўлса, мен нима қилай?» Шундай деб ҳовуч-ховуч қорни юз-кўзимга, бошу бўйнимга, теллагимга, уст-бошим ёқаларига қумуш танга сочгандек, қийқириб, завқ билан сочар эдинг. Мен эса киприк қоқмай, қимир этмай, оқ тўзонга қўйилиб турардим, сенинг кўлинг теккан, кўзинг нури тушган, нафасингни туйган муздек қор зарралари вужудимга ҳарорат бағишларди...

— Ока, рангим роса оқариб кетган бўлса керак-а?

Шофёрнинг тўсатдан берган бу саволи, очиги, малол келди. Нима деганини англамай турганимни кўриб, саволини такрорлади. Бошимни буриб, энди унга тузукроқ рази солдим. Ёшгина йигит, таржимаи холини ҳам таҳмин қилиш мумкин: мактабни битириб, институтга киролмаган, ДҚСААФ йўли билан шофёрликка ўқиган, армияда икки йил машина ҳайдаган, бир-икки йилдан буён таксини учириб юрибди. Чувак юзи ғира-шира чироқ ёруғида бўздек оқариб кўринар, туташ қошларини зулукдек мўйловчи буни янада таъкидлаб кўрсатар эди. Дабдурустдан эшитганим бу савол мени хийла ажаблантирган бўлса-да, сир бермай:

— Рангингиз жойида, — дедим. — Чарчагандирсиз.

— Э, чарчаш қаёқда. Исмёни яқинда олдим.

— Янги йилга тўғри кеп қопти-да. Сизларга ҳам қийин. Айниқса, бугун-эрта. Ҳаммаёқ пиён, а?

мумкин эмас, ахир илк бор Янги йил оқшомида топишган эдик...

Шофёр яна тилга кирди:

— Ока, бир илтимос бор эди, — деди у ийманиб, — агар жудаям шошмаётган бўлсангиз, йўлимиз экан, шундоққина бир сеқунда уйга кириб чимқоқчи эдим. Мана шу нарсани, — деб ўриндик орасида ётган сувқозғондаги тўрт-бешта темир банкани кўрсатди, — уйга ташлаб ўтсам. Болаларга.

Мен жудаям шошмаётган эдимми, йўқми — билмас эдим. Соат Янги йилга жом чалгунга қадар бирон-бир қадрдон даврга етиб олсам саз бўларди, лекин, аввал Сенинг хузурингга бормоғим керак.

— Хўп, — дедим сигарет кулини қоқиб. — Узоқ қолиб кетмасмиз?

— Йў-йў, ока. Қираман-у, чиқаман.

Машина Циолковский кўчасидан чапга бурилиб, трамвай йўлини кесиб ўтди. Қатор тушган кўпқаватли иморатлар ора-лаб, икки юз метрга юрдик. Ён-атрофда қор босган телефон будкалари оқариб кўринарди. Ниҳоят, темир ишқомли бир подьезд олдида тўхтадик. Шип-шийдам ток новдалари ишқомда ғарибона осилиб ётарди.

— Ҳозир, — дея шофёр шоша-пиша машинадан тушди, сўнг менга қараб манзират қилди: — Қани, ока, юринг уйга, бир пиеёла чой...

— Э, омон бўлинг-э, раҳмат, — деб кулиб юбордим.

«Ўзбекчиликнинг ҳам яхши томонлари кўп-да», — деб ўйладим ўзимча подьездининг қор учкунлаб ураётган пештоқига тикланганча.

Беш қаватли иморатнинг аксарият деразалари чарогон, шоду хуррамликка, нурга тўла эди. Фақатгина ўнг қўл томонда, учинчи қаватда ёнма-ён жойлашган учта деразда милт этган ёдду кўринмасди. Мана, ҳозир сени йўқлаб бораман. Деразанг ёруғмикан, қоронги? Ҳарир парда ортида туриб, чиқирак бўлиб учаётган қор учкунларига тикилиб, ниҳонинг мени излаётганимикан? Мана, энди не замонлардан бери ўйлаб ўйимга етолмайман: қай машъун соатда биз бир-биримиздан айри тушдик? Қачон ўртамиздаги меҳр-муҳаббат ўрнини нафрат эгаллаб улгурди? Ким айбдор эди? Ўша қаттол, совуқ сўзлари, наҳот, сен айтган эдинг? Наҳот, мен айтган эдим?

Подьезд эшиги олдида шифтдай бўлиб шофёрнинг қораси кўринди. Илдам келиб эшикни очди.

— Раҳмат сизга, ока, — деди машинани ўт олдириб, — келингиз ҳам, ўғилчамиз ҳам жуда хурсанд бўлишди. Тўрт яшар ўғлим бор, Фарҳод. Янги йилга, албатта, келаман деган эдим, кутиб ўтирган экан.

— Боланинг кўнгли подшо, — дедим сенин ух тортиб.

— Бултур сариқ бўлиб қолди, — деди шофёр. — Бир йилдан бери парҳезда. Шунинг учун онаси ҳеч қаёққа бормай уйда олиб ўтирибди. Ниҳоятда расво касал экан бу, ока.

Индамайгина бош ирғаб қўйдим-у, яна

олдида бир қуни иккита милиционер тўхтатди. Жиноятчи қонди, қуроли бор, сариқ «Жигули»да, орқасидан ҳайдайсан, дейишди. Қувиб боравердик. Яқинлашганимизда сезиб қолиб, кириш тақиқланган кўчага қараб солиб қолди. Пешонамда катта знак турибди. «Нима қилай?», дедим. «Тўхтама, ҳайдайвер», деди семиз майор. Босиб ҳайдадим. «Жигули» бир бапо бўлиб кўздан йўқолди. Сув тошиб ётган ариқ бор экан, шундан ўтиб чап қўлдаги тор кўчага бурилганимни биламан, бир нарсаси тақ этди. Шундоқ қарасам, битта хотин филдиранинг тағида ётибди, сумкасида тухум бор экан, сап-сариқ бўлиб асфалтга оқиб кетибди. Жон ҳолатда чолиб бордик, қандоқ машинанинг тағидан тортиб олиб касалхонага олиб бордик — билмайман. Бечоранинг уйи ўша ерда экан, магазинга чиқиб қайтиб келаётган экан. Бешта қовурғаси, иккала оёғи синиб кетибди. Тўрт ярим соат операция бўлди. Икки кеча-кундуз ўша ердан кетмадим. Резиниацияга оптушиб кетишди. Ўн саккиз кун реанимацияда ётди. Кунига тўрт-беш маҳал бораман. Бир ёқда хотин касал бола билан уйда, денг. Ёмон ажабам қийиб кетди, ока. Милиционерлар ҳартугул ёрдам қилишди. Майор бутун жадовбарлиқни бўйнига олди. Жавобгарлик майли-ю, ока, бу ёқда бир одамнинг жони азобда қолганини айтмайсизми. Қўлингизга зирапча қилиб кетса, қанча оғиратади-ю... Кечалари тушимга қилиб чиқади, денг. Келиб-келиб юриб эри билан танишиб олдим. Алесь Иванович деган белорус чол экан. Биринчи марта кўрганимда, очиги, роса қўрқдим. Ҳозир онамни кўрсатди, айлан-тириб солиб қолса-я, деб ўйладим. Ишонасизми, бир оғиз ёмон гапирмади! «Эй, синок, ёмон бўпти, майли, ишқилиб, жони омон қолса бас», деди. Шунда, ўлай агар, кўнглимдан бир ёмон гап ўтди. Ўзимча, бу, тоза хотинидан безор бўлган экан, деб ўйладим. Қаранг, энди одам шунчака хаёлга ҳам борар экан-да. Бир қуни майда-чўйда кўтариб борган эдим, чол қайтарди. «Боланг борми?», деб сўради. «Ҳа», десам, «Ўшанга олиб бор», деди. Ҳайрон қолдим. Аччиқ қиялпти, деб ўйладим. Ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. Чол-кампир урушда топишиб, кейин бу ёққа келиб қолишган экан. Битта қизи бор экан, эри билан Африкага ишга кетган экан. Бир пайт қон керак бўлиб қолди, группам тўғри келди, икки юз эллик грамм қон бердим. Икки-уч кундан кейин кампирни палатага олишгач, рухсат бўлиб кўргани кирдим. Ҳаммаёғи дока билан чандиб ташланган, менинг кирганимни сезди-ми-сезмадимни билмадим. Кейинги борганимда икки оғиз гаплашган бўлдик. Янаги сафар эса сал чиройи очилиб, хол-аҳолимни сўради, «Не переживай, деди, мен қариб, ошини ошаб, ёшини яшаган одамман, сен ёш йигит экансан. Алесь Иванович айтди, боланг ҳам бор экан, сенга жабр бўлмасин, мана бу қорозни милицияга бериб қўйин, менинг ҳеч қандай даъво-жанжалим йўқ», деди. Зўрга гапиряпти. Бошларим айланиб, кўзимдан ёш чиқиб

бўлсанг, керакмас, бошқа келма», деди. Нима дейишимни билмай қолдим. Нам тортиб, тагин бир келганимда, тёт Елена айтдики, «Сенинг қонингни менга қуйишди, энди биз қондош бўлиб қолдик, Алесь Иванович айтди, нега ундай қилдинг, уят эмасми», деди. Товба! Шунча одамлар ҳам бўлар экан дунёда, ока. Билмадим, булар қанақа инсонлар энди ўзи. Икки ойчадан кейин тёт Еленга жавоб бўлди. Чилонзорда туришади, ўн тўққизинчи кварталда. Ўшандан бери гипсда, ўрнидан туролмай ётибди. Вақтим бўлганда бир-икки кириб тураман. Икки марта хотинимни ҳам олиб бордим. Бечора тёт Елена роса хурсанд бўлиб кетди. «Ўғлингни ҳам олиб келгин», деди. Олиб бордим. Ўғлимниям яхши кўриб қолди. Ҳар борганимда ўйинчоқ дейсизми, ширинлик дейсизми, ўғлингга, деб тутқазгани-тутқазган. Ишонмайсиз, ока, ичидан тўқияпти, деб ўйлашингиз ҳам мумкин. Мен ўзим ҳам ҳалигача ҳайронман, қанақа одамлар экан булар деб. Алесь Иванович ўқитувчи экан, пенсияга чиққан бўлса ҳам ишлаб юраркан. Хотини мунақа бўлгандан кейин бўшаб келди. Мана, олти ойдан бери кампирга тувак тутиб, уйдан бир қадам кўчага чиқолмай ўтирибди. Вижд-донларим қийналиб кетади баъзан, ока. Борсам, дарров хурсандчилик билан кутиб олишади. Чол-кампир доим китоб ўқиб ўтиришади. Баъзан эри ўқиб, хотини эшитиб ўтиради, баъзан тексариси. Ишонсангиз, мендан қўра кўпроқ ўғлингнинг ташвишини шулар қилади. Ҳар турли дори-дармонларни маслаҳат беришади, ғалати бир гилхлар дейсизми... Боя сизни учратмасдан олдин ҳам борган эдим. Бугун тёт Еленани дўхтирга оборишимиз керак эди. Гипсини оладиган экан. Носилкада кўтаришиб палатага олиб кирдик. Дўхтирлар ўймалашиб гипсини ола бошлашди. Шундоқ орқа томонда қараб турувдим. Бир маҳал қўлогим шангиллаб чиппа битиб қолди-ю, кўзимнинг олди қоп-қоронги бўлиб кетди. Ўзимга келиб қарасам, коридорда, кушеткада ётибман, бир хотин нашатир спирт исқатаяпти. Ўша жойнинг ўзида икки-учта укол ҳам олдим. Алесь Иванович чикди хавотирланиб, йўқ, чой-пой ичиб, сал ўзимга келдим. Кейин чол-кампирни уйига олиб бўлиб қўйдим. Тёт Елена қўямасдан олти банкда «Стуженное молоко» берди, «Ўғлингга оборасан, Янги йилга подарка», деб. Бечора, тагин нима дейди денг. «Тузалиб кетсам, шундоқ пироглар пишириб бераман Фарҳадикка», дейди. Совгани олиб, уйга келаётганимда сизни кўриб қолдим. Қарасам, бир аҳволда турган экансиз...

— Қай аҳволда? — дедим кулимсираб.

— Билмадим, бир ташвиши бор одамга ўхшаб...

Мен ташвиши бор одамга ўхшайманми?.. Менинг ташвишим сенсан. Дардим ҳам, ҳамдардим ҳам ўзинган. Гоҳ алам билан, гоҳо ёруғ андуҳ билан эспайман сени, ҳаргиз дилимни тарк этмайсан. Лекин, ишон, айни дамда хаёлим шу йигит сўзлаб берган ғалати бир инсоний қисса

билан банд, беҳад мутаассир эдим. Етти ёт бегона, бир-бирига ашаддий душманга айланиш керак бўлган одамлар ўртасидаги бу ғаройиб муносабат мени тамомла ўйлантириб қўйган эди. Ахир, улар бир-бирларини тушларида ҳам кўрмаган, ногаҳоний қўлфат бирлаштирган ва ана шу мусибат ичра ҳам одамлилик шаъни билан ўта олган кишилар эди. Ахир, биз сен билан бир-биримизга ўтли муҳаббат қўйган эдик, шу муҳаббат алангасида ёниб ҳузур қилардик, бир дам бўлсин бу гулкан оташининг пасайишини истамас эдик. «Сени топганимча қандоқ яшадим тасаввур қилолмайман», деб қўлогингга шивирлар эдим мен. «Мен ҳам», дер эдинг пичирлаб. «Худо кўрсатмасин, агар сени йўқотсам, билмайман, нима бўлади», дердим, ўзимнинг гапларимдан ўзим кўриб. «Ундай деманг, — дея ҳадиқ ичра кўзларингни катта-катта очиб бош чайқар эдинг сен, — ундай деманг...» Мана, сендан айри тушганимга ҳам талай вақтлар бўлди. Яшаб юрибман, бир-биримизга киммиз? Дўстми? Душманми? Бегонами? Оҳ, хатолик бўлди. Ўшанда кечирилмас хатолик. Сендан, менадан, муҳаббатимиздан зўр чиққан хатолик.

Энди-энди тушунапман — мен ноҳақ эканман. Сен ҳам ҳақ эмас экансан. Фақатгина хаёт ҳақ, Фақат хаётгина барчамизнинг устимиздан ҳукм чиқармоққа ҳақлидир. Эҳтимол, қор бўраб турган, барча хонаи хуршидларда Янги йил, янги умидлар тантана қилаётган шу сеҳрли оқшомда менинг бундоғ саросар кезиб юришим ҳам, балки ҳаёт ҳукмидир?

Қор ҳамон шигиллаб ёғаётир. Рўпарамдаги ойнага уста мусаввир қўли билан лаҳза сайин ажиб нақш нигорлар чизилаётир. Нимқоронги машинада эса мен сени енгиб бўлмас бир армон билан ўйлаб, юракларим тўкилиб бораётирман. Шофёр йигит энди жим бўлиб қолган, қошлари чимирилиб, зўр диққат билан тийғончиқ йўллардан кўз узмайди. Минглаб одамларнинг дарду ҳасратига, яхши-ёмон кунларига, маҳрам сирларига гувоҳ бўлган меҳнатқаш такси эса пишқирганча олға интилади. Назаримда, у орамиздаги масофани қамраб, ўртамиздаги адоват, гина-қудурат, алам ва нафратларни босиб-янчиб йўқ қилиб бораётгандек туюлар ва бори-борлигим симобдек титраб, мен шу хаёлимнинг рўёбини ғойибдан астойдил тилар эдим.

Етти ёт бегоналари дўст қилган қудратли хаёт эски дўстларни яна топиштиришига ишонгим келарди.

Умрим хатоликлар ичра ўтди, деб ўйладим шунда, наҳот хатоликлар билан адо бўлса?!

Сесканиб тушдим. Ортиқ бу алфозда ўтиролмаслигимни сездим. Шофёрга юзландим ва...

— Мана, келиб қолдик, ока, — деди у бамайилхотир, — ярим соат қолди Янги йилга. Қўйлимсиз, етказиб келдим-а?

— Яшанг, раҳмат, — дедим ичимдаги тугённи аранг босиб.

— Энди, яна бир илтимос бор эди, ока, — дея шофёр менга бир қараб қўйди. — Ҳозир Янги йил кутгани кирасиз-а?

Индамай бош иргадим.

— Шу, соат ўн иккига занг чалганда битта қадаҳ олсангиз. Менинг боғи чол-кампирини соғлиғига. Майлими? Агар исменга чиқмаганимда ўзим улар билан ўтиромоқчи эдим. Кўрмайсизми! Алам қиялпти лекин, ока. Сиз билмайсиз, яхши одамлар-да, улар.

— Биламан, — дедим. — Сиз ҳам яхши одам экансиз. Йўқ, гапимни эшитинг. Яхшиликнинг қадрига ҳам фақат яхши одам етади. Бўлди, мана шу ерда тўхтатсангиз.

Бу ёғига пиеда. Хўп, ука, раҳмат, омон бўлинг.

— Хайр. Айтгандек, Янги йилнинг муборак бўлсин, ока, — деди у эшикни қия очиб.

— Ўзингизга ҳам, — деб қуллук қилдим йўлингиз четига қарқарман.

Такси яшил чироғини ёқиб, қор тўзони ичра ғойиб бўлди.

Шимоли-шарқ мавзеининг ўртасида танҳо қолдим.

Тўрт томонимда паст-баланд иморатлар. Нур тўкилиб турган деразалар. Шу деразаларнинг қай бири ортида, эҳтимол, сен борсан. Мана шу йўллардан, қор босган қадрдон йўллардан хузуригга етиб бормоғим учун беш дақиқа қифоя. Аммо бу йўлларни босиб ўтмоқ учун мен қанчалар руҳан юксалмоғим, ичимдаги худбин, такаббур бир кимсани қатл этмоғим керак. Эҳтимол, шунда сенинг дийдоринга мушарраф бўларман. Қийғоч кўзларининг тубсиз уммонига тўйиб боқарман. Шунда бошим узра яна ажаб саодат ёғдурлари ҳовуч-ховуч қор зарралари ёғилса, ажаб эмас.

Энди менга ўзинг журъат ато эт, эй фалак!

Бу қиш, бу оппоқ қор асло такрор бўлмамай. Сенинг изтиробларинг, менинг қайғуларим ҳам. Кечган яхши кўналаримиз, аччиқ хатоларимиз ҳам... Мен-ку, буни англаб етдим, сен ҳам англамикансан?

Қор кечиб йўлга тушдим. Чарогон деразалар мени пелвез олаётир. Кўнглим сезиб турибди, шу оқшом тақдиримда қандайдир янги бир мўъжиза юз берадигандек...

Янги йилинг муборак бўлсин, ситамкор севгилим!